

## Болаларни асранг, одамлар!

**Йўл бўйида қийғос очилмиш гулхайрининг оқ, қизил-нопармон гуллари қизчани доим ҳайратга соларди. Уларни қўлчалари билан сийпалаб, “яхши гуллар, чиройли гуллар”, дея пичирлаб суйиб эркалар эди.**

Куз келиб, гулхайрилар сийраклашди, қизчанинг қўл кафтидек келадиган япалоқ гулбарглари тўкилиб, улар ўрнида кичик-кичик тугунчалар пайдо бўлди. Буни кўрган қизча ўзича хафа бўлди. Гулхайрилардан тўкилган тугунчаларни авайлаб йиғиб олди, рўмолчасига тугиб, уйига келтирди.

Қизининг гул тугмачаларини тизиб қўйганча секин пичирлаётганини кўрган онаси “қизим буни эрта баҳорда эксанг, қўкаради, гул бўлиб очилади”, – деди. Энди қизча баҳор келишини интиқлик билан кута бошлади.

Баҳор келиб, қуёш кулиб чарақлаган кунлардан бирида қизча отасининг эски тешасини топиб, ҳовлиларидан ўтган ариқча атрофидаги бўш ердан чуқурчалар қилиб, тугмачаларини экди.

Энди қизча ҳар куни уйқудан турган заҳоти шу жойга шошар, майса унишини интиқлик билан кутарди.

Гулхайри тугмачалари қизчани узоқ куттирмади. Улар ғуж-ғуж бўлганча бирин-кетин униб чиқа бошлади. Буни мўъжиза, деб билган қизча гиёҳларни энтикиб кузатар, жажжи қўлчалари билан уларни сийпаларди.

Қизчанинг майсаларга меҳри шунчаликка бориб етди-ки, гоҳида кун бўйи уларга қараб ўтирар, хаёлида ушбу гулларнинг ранг-баранг товланиши, барқ уриб очилиши намоён бўларди.

Шундай кунларнинг бирида “она қизим менинг, шакар қизим менинг”, деб уни эркаловчи отаси маст ҳолатда, недандир тажанг бўлган қўйи ҳовлига кириб келди. Аёли билан жанжаллашиб, шовқин-сурон кўтарди. Сўнг, тўсатдан гулларига термулиб ўтирган қизига кўзи тушди ва жаҳл устида, бир қарич бўлиб қолган гулларни юлиб ота бошлади. Аёлининг “ҳай-ҳай”лаши ҳам наф бермади – қизчанинг кўз ўнгида гуллар ердан узилиб, ҳар тарафга сочилди.

Қизча қаттиқ кўрқди, бўғзига недир тикилди, лекин йиғлай олмади. Нигоҳи ерпарчин бўлиб ётган гул ниҳолларида қотди. Шу-шу қизча тилдан қолди.

Ота-она бир-икки кун қизларининг “индамас” бўлиб қолганига “гуллар учун хафа бўлди”, деб қарашди, тўрт-беш кун ўтиб эса хавотирга тушди. Ота-онасининг таваллоси, дўқ-пўписаси ҳам, турли ирим-сиримлар-у докторма-доктор юришлари бекор кетди. Шу-шу қизча қайтиб гапирмади.

Кун, ой ва йиллар бир-бирини қувалаб ўтаверди. Қизча гапирмаса-да, эшитган ва кўрган нарсасини унутмас, уқувлию эпли, чиройда бекаму-кўст бўлиб вояга етди.

У табиат бунёд этган ҳар нега ажабланиб боқар, ҳар биридан маъно қидирарди. Меҳнаткаш чумолиларни ва бир-бирига аҳил асалариларни одамларга менгзади, улар ҳақида ўйлаганлари эртакка, айтганлари ҳикояга айланди. Мевали дов-дарахтларни аёлларга, хушбўй-хушрўй гулларни гўзал қизларга ўхшатишлари шеърга, қўшиққа эврилди. “Гапирмас қиз” шундай қилиб дунёдаги қалби гўзал қизга айланди.

Вақти келиб, унга бир тенгқур йигитнинг ишқи тушди. Юраги ёна-ёна, “гапирмас” бу қизга тинимсиз хатлар ёзди. Дастлаб хатларни шунчаки ўқиб, мийиғида майин жилмайиб юрган қиз, бора-бора мактубларнинг мухлисасига, алал-оқибат асирасига айланди. Хатларга ўзи ҳам жавоб ёза бошлади. Тилда айтолмас гаплари қоғозга қўнар, хат ёзишдан ўзгача бир ҳузур топарди. Энди унинг машғулоти тинимсиз қоғоз қоралаш, кўнглидаги бор гаплари-ю ўйларини ёзиш ва фақат ёзиш бўлди.

Энди у “гапирмас қиз”, деб эмас, “шоира қиз”, деб тилга олинарди.

Йигит қиздан мактубларига жавоб олмаса-да, бир лаҳза ҳам умид узмади. Бир куни қўлида гул билан қизнинг йўлини пойлади.

Кекса қариндошини йўқлаб қайтаётган қизнинг йўлидан чиққан йигит, ногоҳ “Ассалом”, деди. Қиз чўчиб бош кўтарди ва йигитга лол-у хайрон боқди.

Ошиқ йигит гап тополмай туриб қолди ва “Бу... бу Сизга”, – дея орқасига яшириб турган турфа ранг гулхайри дастасини қизга узатди.

Қиз ғайришуурий тарзда гулга талпинди. Қўлига тутқазилган гуллар билан юзини ёпди. Гулларни ҳидлай туриб, юраги ҳаприқиб кетди ва кўз ёшлари тизилиб, юзини ювди. Бошини кўтариб, қаршисида бир аҳволда турган йигитга, худди энди кўраётгандай меҳрли-меҳрли боқди. Юзи алвон ранг олган қиз ички бир хўрсиниқдан сўнг, аранг: “Раҳмат”, – деди. Ҳа у шундай, дея олди. Бу сўз қизнинг ўн беш йилдан бери айтган биринчи сўзи эди.

Шу-шу қиз тилга кирди. Кўнглидаги гаплар байтларга айланиб, тошиб чиқа бошлади:

*Бола тили шакарга ўхшар,*

*Ўхшар кўнгли мисоли гулга.*

*Меҳр топса товланар ял-ял,*

*Бир қаҳрдан тўкилиб тушар.*

*Болаларни асранг, одамлар!*

**Холмўмин Ёдгоров**